

## **PROBLEMS OF REFORMING TO FINANCE THE EDUCATION SYSTEM**

The article analyzes the ongoing educational reforms in the country and their expected financial results.

**Keywords:** education, education services, labor market, higher education, pre-school education, nongovernmental education

It is well-known that education reform is an inalienable and decisive direction of socio-economic reforms in the country. One of the most important directions in the Strategy of actions for development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 is "Further improvement of the system of continuous education, increase of opportunities for quality education services, continuation of the policy of training highly qualified specialists in line with modern requirements of the labor market". The effective implementation of these tasks, in particular, enhancing the availability of quality education services requires further improvement of the funding system.

It should be noted that we are to complete the large-scale work in this area, in particular our nationwide programs on education. To this end, the most important task of the Government, relevant ministries and agencies, and the entire education system, our esteemed professors and professors is to educate the younger generation and nurture them as physically and spiritually mature people.

In 2018, along with the political, legal, economic, and spiritual spheres, there were profound qualitative changes in the social sector. In particular, the main directions of the state budget expenditures are aimed at maintaining its social orientation, and in 2018 expenditures in the social sector amounted to 34.7 trillion soums. More than 8.5 trillion soums has been channeled to implement the state programs. In particular, 815 billion soums were spent on equipping pre-school institutions, or 3 times more than in 2017. 559.1 billion soums were allocated for the development of material and technical base of 48 higher educational institutions or 1.5 times more than last year. 803,6 billion sums were allocated for construction, reconstruction and major repairs of 296 medical facilities, as well as the equipment of medical facilities.

It is necessary to further improve the system of science, modern and continuous education. There is a wise saying in our nation that "education and training begin with the cradle". Only enlightenment can lead a person to perfection and to the development of society. Therefore, public education policy should be based on the principle of continuous education, that is, education should begin at kindergarten and last a lifetime. In developed countries, much attention is paid to investing in the full cycle of education, that is, investing in the education of the child from 3 to 22 years. This investment will bring about 15-17 times the profit to society. In our case, this figure is only 4 times. Therefore, we must focus on human capital and make every effort to do so. As an important practical step in this direction, we will increase the coverage of preschool education from 34% today to 44% in 2019.

It is necessary to create the system of general secondary education in accordance with modern requirements and to create all conditions for the full development of our children. It is necessary to create opportunities for private schools and use public-private partnership opportunities. We need to further strengthen our efforts to create equal opportunities for higher education. The coverage of higher and secondary special education graduates in Uzbekistan for the past period was at the level of 9-10%. Thanks to the measures taken over the last two years, we have been able to increase this number by 15%. But that's not enough. Because, if you look at the experience of the developed countries of the world, they account for 60-70%. Therefore, it is important for us to reach 20% of higher education graduates in 2019 and to increase them in the coming years.

М.А.Хўжамов – ТМИ мустақил изланувчisi

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда улардан кутилаётган молиявий натижалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** таълим, таълим хизматлари, меҳнат бозори, олий таълим, мактабгача таълим, нодавлат таълим.

### ВОПРОСЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ

В статье анализируются текущие образовательные реформы в стране и их ожидаемые финансовые результаты.

**Ключевые слова:** образование, образовательные услуги, рынок труда, высшее образование, дошкольное образование, негосударственное образование

#### КИРИШ

Маълумки таълим соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши, хусусан, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, бу соҳани молиялаштириш тизимини янада такомиллаштиришни талаб қиласи.

#### МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Таълимни молиялаштиришни ривожлантириш шу билан бирга олий таълимни ривожлантиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлари, иқтисодчилари ва мутахассисларидан А.Дробозина, М.Собанти, П.Поляк, М.Родионова, В.М.Рутгайзер, В.В.Запольская, В.А. Носков, Г.П.Сергеев, Д.И.Правдин, Е.И.Капустин, И.С.Шаршов, Л.С.Чижов, Р.И.Капелюшниковлар илмий асарларида тадқиқ этилган.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистонда таълим тизимининг ҳолати ва унинг ривожланишининг айрим жиҳатлари Г.Ахунова, Х.Г.Алимджанов, А.Ваҳабов, Э.Имамов, Б.Д.Кальметов, М.Х.Саидов, А.С.Қўчқаров, Э.А.Сейтҳалилов, Ш.Қурбонов, Г.А.Қосимов, Д.Х.Набиев, Р.М.Усмонова, А.О.Эралиев, А.Х.Эшбаевларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган. Аммо, таълим тизимини ҳозирги замон тараққиётининг ҳолати, олий таълимга молиявий ресурсларни жалб этиш хусусиятлари, шу соҳаларни молиялаштириш услублари ва шакллари, олий таълим муассасаларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳозирги ўтиш даврида янада чуқурроқ ўрганиш зарурияти диссертация мавзусини танлашга сабаб бўлди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Таъкидлаш жоизки, бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур. Шу мақсадда Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, хурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси - ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.<sup>2</sup>

2018 йилда сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳалар билан бир қаторда, ижтимоий соҳада ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди, йил двомида бу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва ривожлантиришга давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилди. Жумладан, давлат бюджетининг асосий харажатлари йўналишлари унинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлашга қаратилган ва 2018 йилда ижтимоий соҳа харажатлари 34,7 триллион сўмни ташкил этди. Давлат дастурларини амалга ошириш учун 8,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлашга 815 млрд сўм ёки 2017 йилдагидан 3 баробар кўп маблағ сарфланди. 48 та олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантиришга 559,1 млрд сўм ёки ўтган йилга нисбатан 1,5 баробар кўпроқ ажратилди. 296 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек тиббиёт муассасаларини жиҳозлашга 803,6 млрд сўм йўналтирилди.<sup>3</sup>

Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга,

<sup>2</sup> Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. -Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. -56 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018

жамиятни тараққиётга етаклайди.Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим.Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола З ёшдан 22 ёшгacha бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар микдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт.Шу йўлдаги муҳим амалий қадам сифатида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказамиз.Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш лозим.Хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш керак.Олий таълим тизимида таҳсил олиш учун teng имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарур.Ўзбекистонда олий ва ўрта маҳсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик.Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади.Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш – муҳим вазифамиздир.Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим.Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига хужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қиласи.Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади. Вазирлар Маҳкамаси ушбу таклифлар юзасидан икки ой муддатда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюролари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт

тармоқлариға әмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соһасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак.<sup>4</sup>

Президентимиз “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошлариға ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор қуч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>5</sup>- дея таъкидлаб ўтганликлари бугунги кунда ҳар бир инсон томонидан таълим тизимиға бефарқ бўлмасдан шахсан масъул бўлган ҳолда меҳнат фаолиятини олиб бериши лозимлигини билдиради. Мамлакатнинг истиқболдаги тараққиётини ҳисобга олиб, юксак маънавий-маърифий сифатларга, мустақил фикрлаш қобилиятига ҳамда жамиятнинг илмий-техникавий, ижтимоий иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга қодир баркамол авлод, юқори малакали ракобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юкланди.

Айни пайтда, миллий иқтисодиётни модернизациялаш таълим муассасаларни янада ривожлантиришнинг зарурлиги, бу соҳани молиялаштириш механизмини такомиллаштириш муаммоларини янада илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш ҳамда таълимга ажратилаётган маблағларнинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларини излаш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги икки йилда қабул қилинган Қарорлари, жумладан, 2016 йилнинг 29 декабря "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПҚ-4947-сонли Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори ҳамда 2018 йил 5 апрелдаги "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3655-сон Қарорлари таълим муассасаларининг моддий техник базасини модернизациялаш қилишга, таълим тизими самарадорлигини таъминлашга ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга хизмат қиласи.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таълим тизимининг молиявий барқарорлигини

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018

<sup>5</sup>Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.

таъминлашга хизмат қиласи деб ҳисоблаймиз

- таълим тизими ҳолатини баҳоловчи ва харажатлари манзилли-мақсадлилигини таъминлашни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқиши;
- таълим тизими харажатларини башоратлаш ва амалга ошириш тартиблари ҳамда хорижий давлатларда таълим тизимини маблағ билан таъминлаш тажрибалари таҳлил қилиш асосида миллий тизимни қайта кўриб чиқиши;
- таълим тизимини молиялаштиришни ташкил этиш манбаларининг манзиллилиги бўйича ҳолатни чуқур таҳлил қилиш асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиши;
- олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш тизимини йўлга қўйиш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати -Т.: 2004. 456.;
3. А. Вахабов, Э. Имамов Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации. М. 2007. 214б.;
4. НабиевД.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта-маҳсус, қасб-хунар тизими мисолида) И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.-Т, 2005.-24б.;
5. СайдовМ.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования.-Т. Молия, 2002. 332б.;
6. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. -Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. -56 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018

9. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.